«ТАСДИКЛАЙМАН»

Узбекистон туман Ободонлаштириш
бошкармаси бошлиги ________ Ф Муратов

## Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

## Танлов хужжатларининг мазмуни.

1 Танлов иштирокчилари учун йурикнома

2 Техник кисм

3 Нархлар кисм

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1.1 Узбекистон тумани Ободонлаштириш бошкармасига карашли кабристонларга дезинфекция, дезинсекция ва дератизация хизматларини курсатиш

1.2. Хизмат буйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган.

**Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1,3 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 31.12.2022-йилгача.

1.4 Ишларни бошлаш муддати — ойма ойига хисобланади.

## 2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Узбекистон туман Ободонлаштириш бошкармаси (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади)-танлов ташкилотчиси хисобланади.

2.2. "Буюртмачи" манзили: Узбекистон тумани А Навоий кучаси № 29 - уй.

2.3 Танлов Буюртмачи томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

## 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.3 Танловда шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага хамда юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3,4 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

1. Утган хисобот даврига солик ва мажбурий туловлардан карздорлиги мавжуд эмаслиги хакида худудий ДСИ маълумотномаси нусхаси:
2. Хозирги холатта асосий хисоб ракамидан карздорлиги мавжуд эмаслиги тугрисида банк маълумотномаси
3. Курсатиладиган хизматнинг канча муддатда бажарлиши буйича кафолат хати:

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади,

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва

бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий арамлиги мавжудлар хамда нархни 10 фоиздан ошик суний туширилган таклифлар

## 4 ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1 Иштирокчилар уз таклифларини электрон куринишда (etender.uzex.az ) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3 Танлов хужжатларида куйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник кисм , Буюртмачи" томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;
- Нархлар кисми Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида , хизматларни бажариш муддатлари, тулов тартиби ва якуний туловлар ва бошка боглик курсаткичлар курсатилган булиши керак.

4,4 Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, маълумотномалар техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади);.

4,5 Танлов иштирокчиси:

- такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эга.

## 5.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5,1 Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

5,2 Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир,

5,3 Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШКА ШАРТЛАР

6,1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

6,2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хакли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини узгартирмаслиги керак,

6,3 Таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон килинади.

6,4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

6,5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади